Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 147 (7037). ● 4 август, 1979 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«КОММУНИЗМ» колхози деҳқонлари бу йил 8 гектар майдонда картошкадан юқори ҳосил етиштирдилар. Улар ҳар гектар майдондан 150 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 120 тонна картошка сотдилар. Бу соҳадаги план 20 тоннага ошириб бажарилди.

ПОЛИЗЧИЛАР ҲОРТИҒИ

«ИНТЕРНАЦИОНАЛ» колхози полизчилари савдо тармоқларига қовун ва тарвуз жўнатишни бошлаб юбордилар. Улар ҳар куни давлатга 5—6 тоннадан тарвуз сотмоқдалар.

Хўжалик деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 300 тонна полиз маҳсулотлари олиш учун курашмоқдалар.

БАМ ҚУРУВЧИЛАРИГА

«Янгийўл» темир йўл станциясидан мева ортилган вагонлар Байкал-Амур магистрали томон йўл олди. У. Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмаси соҳибкорлари дала ва боғларда етиштирган ноз-неъматларни БАМ қурувчиларига жўнатдилар.

Хўжалик меҳнаткашлари шу йил бошидан бери мамлакатимизнинг турли шаҳарларига 3000 тоннадан кўпроқ мева ва 960 тонна сабзавот маҳсулотлари жўнатдилар. Бу ноз-неъматлардан Ватанимиз пойтахти — Москва, Красноярск, Омск, Камчатка ва бошқа шаҳарлар аҳолиси баҳраманд бўлдилар.

О. ҚОЗОҚБОЕВ.
Янгийўл райони.

ЁШ АВЛОДНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ УЧУН

БАРЧАМИЗ учун энг азиз ва қимматли бўлган нуридийдаларимизнинг хандон кулгусида, севинч тўла қувноқ кўзларида олам шодлиги мужассам. Уларнинг камолотида ота-оналар орзуси рўёбга чиқади, жамиятимиз барқарорлиги мустаҳкамланади. Болаларни жисмонан соғлом, руҳий тетик ва бардам ўсишларини таъминлаш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифалардир. Шу сабабли жажжи гражданларнинг бахт-саодати ва маънавий дунёсини ҳар томонлама бойитиш учун нималарни зарур бўлса ҳаммаси муҳайё қилинмоқда.

Советлар диёрида бахтиёр болалик Улуғ Октябрь революциясининг дастлабки кунларидаёқ қарор топди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ленинча бош йўли ишлаб чиқилди. Болалар боғча ва яслилари, уйлари, мактаб-интернатлар, даволаш-профилактика ва акушер-гинекологик муассасаларини кўплаб ташкил этишга киришилди.

Бугунги кунда улуғ доҳийнинг, ҳамма яхши нарсалар болаларнинг соғлом ўсиб-улғайишлари ва келажаги учун, деган кўрсатмаси тўла амалга оширилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча чексиз ғамхўрлиги туфайли ёш авлод саломатлигининг мустаҳкам пойдевори яратилди. Кичкинтойлар учун медицина назоратининг кенг кўламдаги илмий асосланган системаси жорий этилди.

Дунёга янги келган гўдак дастлаб шифокор меҳрига қонади. Бола туғилгандан бошлаб 15 ёшга киргунига қадар педнатрлар назоратида бўлиб, соғлом улғаяди. Шу сабабли ҳам медицина назорати системаси ҳамда профилактика усуллари такомиллаштирилмоқда. Областимиз шаҳар ва қишлоқларидаги болалар шифохоналарининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир 7 та болалар касалхонаси, 6 та туғруқхона ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзида мавжуд шифохоналардаги ўринлар сони 240 тага ортди. Туғруқхоналардаги ўринлар анча кенгайди. Шунингдек, 5 мингга яқин бола соғломлаштириш пионер лагерларида, санаторийларда даволаниши мумкин.

Болалар ва оналарга ихтисослаштирилган медицина ёрдами курсатиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети IX сессияси кун тартибига республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги масаланинг қўйилиши ҳамда Қонун қабул қилиниши бу борада кўрилган яна бир катта ғамхўрликнинг намунаси бўлди. Бу соҳада областимизда ҳам кўп ишлар қилинди. Фақат ўтган йилда тўртта ихтисослаштирилган болалар бўлими очилди. Бир қатор районларда ҳомиладорлик паталогияси палаталари ишлаб турибди. Шу билан бирга областимизда қўшимча 20 та педиатрия участкаси ташкил топди. Янгийўл шаҳридаги типовой аёллар консультацияси бир сменада 250 кишини қабул қилиш имкониятига эга.

Ҳозир кунига 67,5 минг порция сут таомлари тайёрлаб бериш қувватига эга бўлган 12 та ошхона мавжуд. Иярик озиқ-овқат магазинларида болалар овқатлари бўлимлари ишлаб турибди. Шундай бўлишига қарамай сут тарқатиш пунктлари ва ошхоналарга бўлган эҳтиёж катта. Оҳангарон, Янгийўл, Ғалаба, Тошкент ва Чиноз районларида сут таомлари ошхоналари ташкил этилмаган. Ҳар бир районда бундай савдо ўчоқларининг бўлишини таъминлашга эришиш даркор.

Шифохоналарнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамламай туриб, даволаш ишларини кенг йўлга қўйиб бўлмайди. Бироқ, соғлиқни сақлаш системасининг айрим участкаларида қурилиш ишлари сust олиб борилмоқда. Чиноз ва Пискент районларида туғруқхоналар учун бўлимлар қурилиши ўз вақтида битказилмади. Бунда қурилиш ташкилотлари, хусусан «Облсельстрой» ва «Облколхозстрой» трестлари айблидирлар. Қурилиш ташкилотларининг совуққонлиги туфайли Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози учун бунёд этилаётган болалар касалхонаси қурилиши чўзилиб кетди. Эндиликда область болалар касалхонаси қурилишини бошлаб юборишнинг вақти етди. Шунингдек, Бўстонлиқ районида кичкинтойлар учун санаторий қурилиши лозим.

Болаларга амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатиш соғлиқни сақлаш системасида етакчи ўрин тутмоғи лозим. Бу муҳим ишнинг муваффақияти кадрлар малакаси ва уларни сифатли тайёрлашга боғлиқдир. Бу соҳада ҳам ҳали қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Болалар шифокорларини тайёрлаш бўйича областимиз республика ўртача кўрсаткичидан орқада қолаётганлиги ҳам буни кўрсатиб турибди. Айниқса, қишлоқ касалхоналарини малакали врач-педнатрлар, акушер-гинекологлар билан янада мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериш керак.

Кейинги йилларда қишлоқ даволаш амбулаториялари штатига врач-педкатр лавозими киритилиши кадрларга бўлган талабни янада оширди. Бинобарин медицина олий ўқув юртларининг шу соҳа билан шуғулланаётган кафедралари ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг илмий-амалий усулларини ишлаб чиқишлари даркор.

Соғломлаштириш-тарбия ишларини янада яхши йўлга қўйиш санаторийлар, дам олиш уйлари, профилакторийлар қурилиши билан боғлиқ масаладир. Ваҳоланки, областимизда болали аёллар учун биронта соғломлаштириш муассасаси ишга тушмаган. Кўпгина йирик саноат корхоналари эса ўз санаторийлари, профилакторийлари, пионер лагерлари ва дам олиш уйларига эга эмаслар.

Қишлоқ районларини кўп профилли болалар касалхоналари ва мустақил шифохоналари территориал принципда ишлайдиган поликлиникалар билан мустаҳкамлашга эришиш керак. Бу эса амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради.

Бу йилги жаҳон саломатлик кунининг «Болалар соғлиғи — эртанги кунимиз соғлиғидир» деган шиор остида нишонланганлиги бежиз эмас. Чунки, 1979 йил — Халқаро болалар йилидир. Шу йилда ёш авлод сиҳат-саломатлиги йўлида кўп ишлар қилиниши даркор.

Тинч соғлиқ, тетиклик ва бардамлик ёш организмнинг нормал ривожланишида асосий омилдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида айтганидек, Совет Иттифоқида болалик йилларининг соғлом ва бахтиёр бўлиши учун партия ва ҳукуматимиз ҳамма ишларни қиляптилар.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш социал-маданий қурилишнинг ғоят муҳим соҳаси экан, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бу масала билан жиддий шуғулланишлари, соғлиқни сақлаш органларига ҳар томонлама ёрдам беришлари даркор. Ёш авлоднинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам коммунистик жамият қурилишининг энг муҳим ва олижаноб вазифаларидан бири бўлиб қолади. Ўғил-қизларимиз ёшликдан соғлом ва бардам бўлиб ўсиб, вояга етаверадилар.

ҲАР ТУП ҒЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИГА ҚОНСИН

ҲОСИЛ КЎПАЙМОҚДА

1-«ПИСКЕНТ» совхози пахтакорлари ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланиб, дала ишларини тобора авж олдирмоқдалар. Ғўза парваришида хўжаликнинг Олим Иномов бошлиқ бригадасида ҳам намунали йўлга қўйилган.

— Бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга қатъий аҳд қилганмиз, — дейди бригада бошлиғи. — ваъдага вафо қилиш учун 72 гектар майдондаги ниҳолларни меҳр билан парвариш қилаяпмиз. Ҳозир ғўзаларнинг ривожи барча майдонларда бир хил.

Пайкалларда мўл ҳосил тўплаш учун бригада аъзоларни куч-ғайратларини аямаётирлар. Бу ўринда Тожиқул Ҳамроев, Пўлат Ҳожиқулов каби механизаторлар, А. Абдуқодиров, А. Маҳмудов, Ч. Ҳасанов сингари сувчиларнинг хизматлари мақтовга сазовор. Улар қатор ораларига сифатли ишлов беришда ва ниҳолларни қондириб суғоришда бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳиссага адо этишляпти.

Меҳр билан парваришланаётган ғўзалар серҳосил бўлиб етилмоқда.

Б. МИРСОЛИЕВА.



Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхознинг Холиқул Ҳакимов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил ҳосилдорликни камида 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш мақсадида ғўзани суғориш ва пешма-пеш культивация қилиш ўз вақтида сифатли ўтказилаётир. Суратда: бригада бошлиғи билан механизатор Илёс Аҳмедовлар ҳосил чўғини чамалаб кўрмоқдалар.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ЯШИЛ КАРВОН

Эрта тонгданоқ комбайн ва трактор моторларининг овози сукунатни бузиб, бир меъёрда гуриллайди. Қуёш уфқдан мўралашга улгурмасданоқ кўк масса ортилган транспорт тракторлари маккажўхоризордан чорвачилик фермаси томон йўл ола бошлайди.

«Ленинизм» колхози аъзолари Янгийўл районида биринчилар қатори силос бостиришни бошлаб юборганлар. Улар бу йил 181 гектар майдондаги силос учун экилган маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Бўйи икки метрдан ошган «дала маликаси» бунга гувоҳлик бериб турибди. Энди энг муҳими бу қимматли фурсатни бой бермай, яшил сўталари айни сутга тўлган бу ям-яшил маккажўхоридан сифатли силос бостиришдир.

Шу боисдан механизаторлар Абдукарим Рихсиев ва Эркин Аҳмедовлар силос комбайнларининг бетўхтов ишлаши учун астойдил ҳаракат қилаётирлар. Комбайнчилар кунига 70—80 тонна кўк пояни ўриб, майдалаб бераётирлар.

Бу кўк масса 12 транспорт тракторида пешма-пеш силос бостирилаётган жойга етказиб бериляпти. Маккажўхори кўкпоясини ташишда тракторчилардан Неъмат Мирзахолов, Ғафур Шуматов, Ислом Еқубовлар ғайрат кўрсатаётирлар.

Хўжалик сут-товар фермасида ҳам иш авжида. Тракторларда келтирилаётган маккажўхори пояси дарҳол сенаж чуқурларига тўкилади. Механизатор Даврон Рустамов ўз погрузчигида чуқурдаги пояни текислаб берянти. Унинг ҳамкасби Бобохон Набишев эса трактори билан силос чуқуридаги пояни зичлаб бермоқда.

— Маккажўхори ўриш ва силос бостиришга етарли миқдорда техника воситалари ажратганимиз учун қисқа муддатда 1000 тонна силос бостириб қўйдик, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Маҳкам Ризаев. — Чорва қишлови даври учун мўл ем-хашак жамғариш мақсадида 6000 тонна силос бостиришни мўлжаллаганмиз.

Э. МАДИЕРОВ.

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

3 август эрталаб соат 10 да Москвадаги Катта Кремль Саройида тўққизинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Депутатлар ва меҳмонлар Ю. В. Андропов, А. П. Кириленко, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, М. С. Горбачев ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессияни Россия Федерацияси Олий Советининг Раиси В. А. Котельников очди.

Сессия муҳокамасига РСФСР Министрлар Совети тўғрисида РСФСР қонуни лойиҳаси ҳақидаги, РСФСР халқ депутатлари маҳаллий советларига сайлов тўғрисида РСФСР қонунининг лойиҳаси ҳақидаги, РСФСР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар киритилган.

(ТАСС).

МУСОБАҚА АСОСИДА

Ҳозирги кун талаби катта қийинчиликлар эвазига ундириб олиниб, ҳосил тўплай бошлаган ғўзалар парваришини бир фурсат ҳам бўшаштирмасликдир.

Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг 6-бўлими пахтакорлари худди шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар.

Бўлимнинг 606 гектар пахта майдонидаги ғўзалар қийғос гуллаб, ҳосил тугунчалари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада ўртача 4—5 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

— Лекин 36 гектар майдондаги кўчатларимиз ривожи анча орқада, — дейди бўлим бошқарувчиси Али Пошалиев. — Бу қолоқ майдон икки картадан иборат. Бири 15 гектар, иккинчиси 21 гектар. Бу карталардаги ғўзалар ривожини тезлаштириш учун 15 гектарлик майдонни мен ўзим ва 21 гектарлик майдонни бўлим агрономи Норжигит Шомуродов назорат қилиб турибмиз. Бу майдонлардаги ғўзаларга бошқа ерлардагига нисбатан икки марта кўп ишлов берилмоқда.

Область пахтакорлар Советининг тавсиялари бўлим деҳқонлари учун жуда қўл келмоқда. Ғўза парваришида ана шу тавсияларда айтилган маслаҳатларга қатъий амал қилиняпти.

Шу кунларда ғўзанинг серҳосил бўлишида гўнгнинг ҳосияти катта. Шунинг учун далаларга маҳаллий ўғит чиқариш қизғин. Тайёрлаб қўйилган 1000 тонна гўнгнинг 900 тоннаси аллақачон майдонларга солиниб бўлинди.

Бўлим бўйича ғўзаларга иккинчи сув тараш ҳам тугалланди. Ернинг заҳи кўп бўлган Бўка районида шароитида ғўзани кўп суғориш мақсадга мувофиқ эмас. Маълумки, ғўза ривожини тезлаштириш учун сунъий иситиш катта роль ўйнайди. Бунинг учун эса, ғўзаларнинг тагини тез-тез чуқур қилиб культивация қилиб туриш керак.

Бўлимда 12 та культиваторнинг унумли ишлаши таъминланмоқда. Бир тракторчига кунлик культивация нормаси 8 гектар. Бу нормани бажарган механизатор 4 сўм 80 тийин, 1,5 баравар бажарса 7 сўм 20 тийин иш ҳақи олади.

Ҳозир бўлим бўйича ғўзалар еттинчи марта культивация қилиняпти. Сувчилар ўртасида ҳам, механизаторлар ўртасида ҳам ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдирилган.

— Биз мусобақанинг янги формасини ўйлаб топганмиз, — дейди бўлим бошқарувчиси. — Илгари илғорлар билан илғорлар мусобақа боғлашар эди. Қолоқ бригадалар эса четда қолиб кетаверар эди. Энди эса, илғор ва қолоқ бригадалар ҳам мусобақа шартлари асосида ишламоқдалар. Натижада илғорлар илғорликни қўлдан бермаслик учун, қолоқлар эса илғорларга тенглашиш учун курашмоқдалар. Ишда унум ва олға силжиш бўлаётир.

Мусобақага ҳар ўн кунда якун ясалиб, сувчи ва механизаторларга эгаллаган ўринлари бўйича 30, 25, 20 сўм миқдорида пул мукофотлари бериб борилади.

Ҳар бир сувчи, ҳар бир механизаторга карталардаги кўчатлар сони акт бўйича топширилган. Бир туп ҳам ғўзанинг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Шу мақсадда сувчи ва механизаторларга огоҳлантириш талони берилган. Сувчининг талонида 8 та, механизаторнинг талонида 9 та пункт бор. Иш ҳақи ҳам ана шунга қараб олинади. Бу эса сувчи ва механизаторнинг масъулиятини оширади.

Бўлим пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилишган. Мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

ЧЕКАНКА ҚИЛИНМОҚДА

Тошкент областидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли совхозда республиканинг таниқли механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев ғўзани чеканка қилишда юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда. Бир кун ичида у нормада белгиланганига қараганда уч гектар кўп — 15 гектар майдонга мана шу муҳим агротехника тадбирини амалга оширмоқда. Чеканка қилиш энг яхши муддатларда олиб борилмоқда. Ҳар бир туп ғўзада 6—7 бўлиқ кўсак бор.

Ғалаба районининг далаларида шу кунларда 170 машина ғўзани чеканка қилиш билан банд. Тошкент областининг Бўка, Бекобод, Коммунистик районлари ва бошқа районларининг механизаторлари шу муҳим ишни бажаришга киришдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

БЕКОБОД РАЙОНИДА

ОТАЛИҚ ЁРДАМ

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари район меҳнаткашларига озуқа тайёрлашда кўмак бермоқдалар. Шу кунгача металлурглар 1500 тоннадан ортиқ дағал-хашак тўпладилар. Бунда мартен, электрда пўлат эритиш цехи ва ремонт қурилиш участкаси коллективларининг ҳиссаси катта бўлди.

Бундан ташқари шаҳарнинг яна 33 ташкилоти озуқа жамғаришда иштирок этяпти. Улар 8000 тонна дағал хашак тайёрлаш мажбуриятини олганлар.

АГИТБРИГАДА ДАЛА КЕЗМОҚДА

Район маданият уйи ташкил қилган агитбригада шу кунларда 70 минг тонналик хирмон бунёд этиш учун курашаётган пахтакорлар ҳузурида бўлиб, улар дилини хушнуд этмоқда. Айниқса, Набижон Ғафуров, Раҳматжон Холматов, Алимжон Мўминов каби хушовоз хонандалар ижро этган куй ва қўшиқлар меҳнаткашлр олқишига сазовор бўляпти. Пахтакорлар кўчма кутубхона ҳамда турли темаларда суҳбатлар ўтказиб турган лекторлар группаси ишидан беҳад мамнунлар.

А. НАБИЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН 30 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

РАЙОНЛАР	Дағал озуқа			Шу жумладан			
				хашак		сенаж	
	Тошшириқ	бажарилиши	Бажрилиш процентти	процент ҳисобида		процент ҳисобида	Ут. учун тайёрлаш процент ҳисобида
Калинин	50400	39897	79	54	107	75	
Бўка	55500	38267	69	61	100.2	61	
Ғалаба	78800	53469	68	72	102	82	
Тошкент	41000	28492	68	48	90	49	
Оҳангарон	101700	68115	67	48	95	16	
Бўстонлиқ	62000	41475	67	57	98	44	
Чиноз	75100	49396	66	57	97	45	
Оққўрғон	53900	33956	63	48	102	48	
Оржоникидзе	44000	27576	63	35	100	62	
Пискент	47100	29063	62	32	100.3	71	
Ўрта Чирчиқ	67600	37361	58	34	101	39	
Бекобод	72400	41521	57	30	106	51	
Коммунистик	95800	51305	53	55	79	23	
Янгийўл	53900	27695	51	27	100	33	
Область бўйича:	900000	569604	63	49	98	48	

МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

Бугун далаларда ўзгача файз, ўзгача тароват. Кўкка бўй чўзаётган ғўзалар кун сайин яшнаб, заҳматкаш деҳқон қалбига завқ-шавқ бағишлайди.

Яқинда Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг 1-участкасига қарашли Анорбой Маҳкамбоев бошлиқ бригада далаларида бўлганимизда ана шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бригадир пайкалларга термулиб нималарнидир ҳаёлдан ўтказдида, бизга юзланди:

— Деҳқончилик осон иш эмас. Йил-ўн икки ой тинимсиз меҳнат қилишга тўғри келади. Бригадамиз аъзолари ҳам ҳар йили астойдил меҳнат қилишиб, мўл-кўл ҳосил етиштириш учун тиним билишмайди. Ўтган йили ҳосилдорликни 30,3 центнерга етказдик. Давлатга 160 тонна пахта сотдик.

Анорбой ака бригада муваффақиятлари ҳақида сўзларкан, бизни қўшни пайкалларга етаклайди. Анча кеч бўлиб қолганига қарамай пахтазор аъзолари билан гавжум. Олим Хатамов, Имонқул Ҳайдаров каби миришкор сувчилар ҳар туп ниҳол атрофида парвона. Шу кеча-кундузда уларнинг масъулияти янада ошган. Ғўзалар чилла сувига бир марта қонса, ўн марта яшнаб ўсади. Лекин сувчининг бир лаҳзалик эътиборсизлиги ҳосилга катта путур етказиши, анча қимматга тушиши мумкин. Буни Олим ака билан Имонқул акалар кўп йиллик тажрибаларидан яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар майдонларни қўлатиб қўймаслик, ниҳолларнинг сувга бирдек қониши учун ўз постларида ҳамиша сергак. Уларнинг издошлари Қурбон Саидов, Райим Ризақуловлар ҳам устозларидан қолишмаётирлар.

Камол Хатамов эса тракторига тиним бермай, қатор ораларига оби-тобида ишлов бериш учун агрегат штурвалини эҳтиёткорлик ва моҳирлик билан етилган эгатлар томон буради.

Қўшни пайкалларда қиз-жувонларнинг шўх хазил-мутойибалари, ўйин-кулгулари тинмайди. Турсуной Қурбонова, Малоҳат Имонқулова, Маъфират Ҳусанова сингари пахтазор юлдузлари бегона ўтларнинг бош кўтаришига асло йўл қўймаётирлар.

Бригада аҳлининг самарадорлик ва сифат беш йиллигининг тўртинчи йилида кўзлаётган мақсадлари янада улуғ. Мавжуд 45 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кутариб, эл хазинасига 158 тонна дурдона армуғон этиш.

— Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаатини ва область пахтакорлар Сочети тавсияларини пухта ўрганиб чиқдик, — дейди бригада бошлиғи А. Маҳкамбоев. — Майдонларимиз Сирдарё соҳилларида жойлашган бўлиб, тўқайзорлар бағридан юлиб олинган. Гарчи енгинамизда дарё лиммо-лим оқса-да, насос орқали сув оламиз. Шу боисдан ҳам мурожаат ва тавсиялардан ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқариб олдик. Ҳозиргача шу асосда ғўзаларга икки марта сув тараб, уч марта комплекс ишлов бердик. Деҳқонларимиз тажрибали, меҳнатда синалган ишбилармон кишилар. Улар, албатта, ўз сўзлари устидан чиқадилар.

Ҳа, бригадирнинг фахрланиб гапирганича бор. Юксак иш сифати, самарадорлик учун курашаётган пахтакорлар ўзаро меҳнат беллашувини тобора авж олдирмоқдалар.

А. ҲАЙДАРОВ.

ЭРТАГА—БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Тошкент тепловоз депоси коллективи Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқда. Суратда: депо пешқадам транспортчиларидан катта навбатчи Р. Малосиев (чапдан), тепловоз машинисти ёрдамчиси Н. Аҳмедов, машинистлардан Г. Лобанов ва А. Гашниковлар. Улар ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили планини муддатидан илгари бажариш юзасидан бораётган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Темирйўлни экономикамизнинг қон томири деб таърифлашади. Бу бежиз эмас албатта. Ҳақиқатан пўлат изларминглаб корхоналар, сонсаноқсиз шаҳарлар ва қишлоқларни бир-бирига боғлайди. Унинг ёрдамида халқ хўжалиги учун зарур бўлган турли-туман юклар ташиладк. Экономикамизнинг бирор тармоғини унинг хизматисиз тасаввур этиш қийин. Ҳа, темирйўлчилар ўзларининг ғайрат-шижоатга тўла меҳнатлари билан мамлакатимиз куч-қувватини ошишига, халқимиз фаровонлиги юксалишига кўмаклашмоқдалар.

Мамлакатимизнинг барча темирйўлчилари қатори бизнинг бўлинмамиз коллективи ҳам зиммасига юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифаларни беками-кўст бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда. КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида янги-янги резерв ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солмоқдалар. Транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга ёрдам берадиган омиллардан оқилона фойдаланишга интилмоқдалар.

Бўлинмамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили дастлабки кунларидан бошлаб социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб ишляпти. Бу билан ватанпарварлик ҳаракатининг оммавийлиги ва ошкоралиги таъминланмоқда. Меҳнат беллашуви қолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш формалари такомиллашмоқда.

Бу йил бўлимамиз станциялари, разъездлар ва темир йўл шоҳобчаларида ишлаб чиқаришнинг механизация даражасини ошириш, жараёнларни автоматлаштириш билан боғлиқ бўлган кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Станциялар билан саноат корхоналарини боғлайдиган пўлат изларни яна ўзлаштирилди, қўшимча темирйўллар қурилди. Қатор станцияларда янги йўллар фойдаланишга топширилди. Бу авваво поездлар ҳаракатини тезлаштириш ва ҳаракатдаги составлардан фойдаланиш самарасини оширишга олиб келди.

Шу туфайли ҳам бўлинмамиз коллективининг фаолияти кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди. Айниқса, вагонлар оборотини тезлаштириш соҳасидаги ишларимиз натижаси яхши бўлди. Бу масалада мижозлар билан ҳамкорликда иш кўриш, улар билан ўзаро шартномалар тузиш, вагонларнинг юк ортиш-тушириш операцияларини бажаришда нормадагидан ортиқча туриб қолишига йўл қўймаслик юзасидан кўрилган чоралар яхши самара берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Вагонлардан фойдаланишни яхшилашга станция ва разъезд коллективлари, айниқса, тарозибоқлар катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уларнинг ижобий изланишлари туфайли вагонларга юк зич ортилмоқда. Кўтарма кранлардан фойдаланиш яхшиланяпти, юк ортиш ва тушириш операцияларини бажаришда қўл меҳнат сарфи камаймоқда.

Вагонларга юкни зичлаб ортиш соҳасида ангренлик кончиларнинг тажрибаси таҳсинга сазовордир. Шахтёрлар темирйўлчиларимиз билан яқин ҳамкорликда ишлаш вагонларнинг оборотини тезлаштиришга олиб келди. Айниқса, бу йил улар кўмир ортиш учун берилаётган вагонлардан унумли фойдаланмоқда. Бу ерда ҳар бир вагонга нормадагидан 600 килограмм кўп «қора олтин» ортилмоқда. Бу юзаки қараганда жуда арзимагандек кўринади. Аслида эса ундай эмас. Ана шу килограммлардан тонналар ҳосил бўлмоқда. Чунки, ҳар куни юзлаб вагонларга кўмир ортилади. Ҳар бир вагонга ўрта ҳисоб билан қўшимча 600 килограммдан ортиқ юк ортиш жуда катта иқтисодий фойда беришини шундан билса ҳам бўлади. Худди шу туфайли ҳам йил бошидан бери бир неча минг вагон тежаб қолинди. Уларда ўнларча минг тонна халқ хўжалик юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. Кончилар вагонларни маршрутлаштиришни ҳам жуда ўрнига қўйишяпти. Бир маршрут бўйича составлар тузиш ишни анча енгиллаштиради. Бу кўрсаткич бўйича план 122 процент қилиб белгиланди. Бу ҳам ўз навбатида вагонлардан фойдаланишни яхшилашга ёрдам берди.

Темирйўл транспорти ҳизматидан бахраманд бўлаётган кўпгина бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар вагонлардан фойдаланишни ой сайин яхшиламоқдалар. Лекин, ҳали бу муҳим ишга етарли эътибор бермаётган корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Уларнинг айби билан халқ хўжалиги юклариии ташиш учун ниҳоятда зарур бўлган вагонлар юк ортиш-тушириш операцияларида нормадагидан ортиқча туриб қолмоқда. Бундай хотиржамлик қайфиятига зудлик билан барҳам бериш керак. Халқ хўжалиги манфаатлари шунн тақозо этишини эсдан чиқармаслик лозим.

Бўлинмамиз тармоқларида москвалик машинистларнинг оғир юкли составларни бошқаришни кенгайтириш юзасидан бошлаган ташаббуслари тобора кенг қулоч ёймоқда. Тепловозчиларимиз поездларни узайтириш ва уларга белгиланганига нисбатан кўп юк ортиш ҳисобига составлар ҳаракатини тезлаштиришга эришмоқдалар. Бу соҳада Ангрен станцияси коллективининг ишлари мақтовга сазовордир. Норма бўйича ҳар бир поездга 3200 тонна юк ортиш керак. Ҳозир эса ўрта ҳисобда 4000 тоннага етказиб юк ортилмоқда. Машинистларимиз оғир юкли поездларни моҳирона бошқариб, белгиланган манзилларга ўз вақтида етказмоқдалар. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмидаёқ бўлимамиз тармоқларида 4200 дан ортиқ оғир юкли поездлар бошқарилди. Натижада пландагидан ташқари 2 миллион 600 минг тоннадан знёд халқ хўжалик юклари ташиб берилди.

Барча станцияларимизда юк ташиш планлари ой сайин ошириб бажариляпти. Ўтган ярим йилликда бу кўрсаткич бўлимамиз бўйича 100,1 процентни ташкил этди. Бу меҳнат ютуғига Ангрен, Чиноз, Дарвоза, Янги Чиноз, Оҳангарон, Барраж станцияларининг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Социалистик мусобақа ва унинг олий формаси ҳисобланган коммунистик меҳнат тантанаси учун курашнинг авж олаётганлиги ҳам коллективимиз меҳнати натижаснинг баракали бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бўлинмамизда ўнлаб коллективлар, минглаб темирйўлчилар коммунистик меҳнат коллективи, зарбдори номини олиш юзасидан бораётган ҳаракатда иштирок этишяпти. Собир Раҳимов станцияси, Чирчиқ, Қодирия, Хўжакент, Тўйтепа, Назарбек, Ортаовул станциялари ва 135-разъезд ишчи-хизматчилари коммунистик меҳнат коллективи деган номга сазовор бўлишди. Улар бу юксак номни шараф билан оқламоқдалар. Уз иш кўрсаткичларини ҳар томонлама яхшилаб боришяпти.

Коллективимиз анъанавий байрам — Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини муносиб меҳнат совғалари билан нишонламоқда. Лекин, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили плани ҳамда социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш ўнлаб ҳали кўп тер тўкишимиз керак. Шунинг учун биз ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг такрорланмаслиги учун барча тадбирларни кўрамиз. Мижозларимизга транспорт хизмати кўрсатишни бундан буён ҳам яхшилашга эришамиз.

З. ОЛИМЖОНОВ,
Тошкент темир йўл бўлинмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

АЗИЗА

Тошкентдаги «Миконд» заводида кўплаб комсомол-ёшлар меҳнат қилишяпти. Улар меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Фрезерчи А. Содиқов ҳам шундай пешқадам ишчиларнинг бири. У смена нормасини доимо ортиғи билан бажаради. Тайёрлаётган деталларининг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмоқда. Ушбу суратда илғор фрезерчи А. Содиқовни иш устида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

КЕНГ ва ёруғ хона қизлар билан лиқ тўла. Хамманинг чеҳрасида жиддийлик аломати акс этиб турибди. Минбарда тимқора шаҳло кўзларида доимо майин табассум жилва қилиб турувчи кичкинагина жуссали чевар қиз Азиза Умарова тўлқинланиб, жўшиб сўзламоқда. Уз касбини пухта эгаллаган, уни севиб ардоқлаган кишигина иши ҳақида ана шундай завқланиб, ишонч билан сўзлай олади.

— Азиз дугоналар, — деди Азиза чуқур тин олиб.—Биз бувиларимиз ухлаб тушида кўрмаган, фақат орзу қилган ажойиб бир даврда яшамоқдамиз. Бизнинг яйраб меҳнат қилишимиз, мароқли дам олишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Шундай экан, биз бу ғамхўрликларга амалий иш билан жавоб бериб, барча резерв ва имкониятларни ишга солишимиз керак. Хўш, бизда шундай резервлар борми? Бор албатта. Масалан, мен бир кунда 250 та халатга енг тикишим керак. Бунинг учун 7 соат вақт ажратилган. Мен эса шу ишни 6 соатда бажараман. Унинг иккинчи, янада муҳимроқ томони бор. У ҳам бўлса, электр энергиясини иқтисод қилиш масаласидир. Менинг тикув машинам бир соатда 0,4 киловатт соат электр энергияси сарфлайди. 7 соатда 2,8 киловатт соат электр энергияси сарф қилиб, 250 та халатга енг ўрнатишим керак. Мен бу ишни 6 соатда бажариб, 0,4 киловатт-соат энергияни тежайман. Бу бир ойда 10,4, беш ойда эса 52 киловатт соат электр энергияси тежалди, деган гапдир. Ана шу энергияга эса пландагига қўшимча 91 та халатга енг ўрнатиш мумкин. Мен мана шундай ўз имкониятларимни ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик планни уч йилда бажаришга сўз бергамман.

Азизанинг бу гапларини ҳамкасблари эҳтиёт қилиб, ёзиб олишди. Одатда ишлаб чиқаришда тўпланган ҳеч бир ташаббус изсиз бўлмайди. Фабриканинг 30 дан ортиқ чевар тикувчиси Азиза бошлаган ташаббусга қўшилди. Бугунга келиб улар 50 нафардан ортди. Дилшод Сайфулина, София Лим, Мавжуда Юсупова. Александра Пак, Нина Ким, Ж. Мақсудова, Р. Шайзокова, С. Овчаренколар шулар жумласидандир.

М. МИРКАМОЛОВА.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Бу фабрика чеварлари зиммасидаги вазифа жуда шарафли. Улар мамлакатимизнинг жажжи гражданлари учун турли-туман кийимлар тикишяпти. Болалар учун мўлжалланган ҳамма нарса аъло сифатли бўлиши керакligини яхши тушунган корхона коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори сифатини яхшилашга ҳам катта эътибор бермоқда. Ҳар йили кўплаб янги-янги фасонлар ўзлаштириляпти. Ишчи-хизматчилар кичкинтойлар учун мўлжалланган кийимлар нафис ва хушбичим, улар кийса кувонадиган бўлишига астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам фабрикада тикувчилик буюмлари ассортименти янада кенгайди. Ўнлаб замонавий моделдаги кийимлар тикиш йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам чеварлар қўлидан чиқаётган тикувчилик буюмлари магазинлар пештахталарида ётиб қолмаяпти. Харидорлар томонидан кўплаб харид қилинмоқда.

Фабрика коллективи шу йилнинг ўтган етти ойини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Маҳсулот реализация қилиш давлат плани 6 процент атрофида ортиғи билан адо этилди. Шуниси таҳдирга сазоворки, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши асосан меҳнат унумдорлиги ошиши эвазига бўлмоқда. Унумдорлик эса 6 процентдан ошиқроқ ортди.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Янгийўлдаги «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида унумли ва сифатли меҳнат қилмоқда. Давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ой сайин ортиғи билан адо этиляпти.

Коллектив қўлга киритаётган меҳнат зафарларига ишлаб чиқариш илғорлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш, ўнинчи беш йиллик нормасини 3,5—4 йилда адо этиш шиори остида бошланган ватанпарварлик ташаббусига қўшилган ўнлаб қандолатчилар ўз ваъдаларини шараф билан адо этишяпти. Айниқса, конфет цехи ўраш машинаси машинисти Сория Зариповнанинг меҳнат ютуқлари салмоқли бўляпти. Уз касбини пухта эгаллаган бу ишчи шу йилнинг 19 апрелидаёқ беш йиллик нормасини бажарганлиги ҳақида рапорт берган эди. Ҳозир эса 1981 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот бермоқда. Унинг касбдошларидан Г. Мойлибоева, С. Тошматовалар ҳам беш йиллик нормасини бажариш арафасида туришибди.

БЎЛҒУСИ ТЎҚИМАЧИЛАР

РОЗА Қўшбекова асли Ғалаба районидан. У ўрта мактабни тугатгач, Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга келди. Ҳозирги кунларда Р. Қўшбекова корхонанинг пешқадам ишчилари қаторидан ўрин олди.

Районда бу йил 10-синфни тугатган яна 10 нафар қиз мактабдоши Р. Қўшбекованинг изидан бориш қарор қилиб, тўқимачилик комбинати ҳузуридаги ҳунартехника билим юртига ўқишга келди. Х. Камолова, Т. Турдиқулова, Л. Исмоилова, М. Абдиева каби қизлар илғор тўқимачи бўлишга азму-қарор қилишган.

С. МУСТАФОЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

15 августда партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Областимизда фаолият кўрсатаётган 4735 та партия группаси ва 4530 та цех партия ташкилоти ўтган бир йил давомида хўжаликка раҳбарлик, ғоявий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича бажарилган ишлар юзасидан ҳисоб берадилар, навбатдаги ҳаракат программасини белгилаб оладилар.

Барча жойларда бўлгани каби Янгийўл шаҳрида ҳам бу муҳим сиёсий кампанияга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Қуйида сиз ҳисобот-сайлов йиғилишларини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан жойларда амалга оширилаётган тадбирлар билан танишасиз.

А. ГЛУХОВА,
Янгийўл шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари.

ҲАФТАДА бир марта ўтиб турадиган секретарлар соатида шу куннинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинади. Навбатдаги секретарлар соати ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, партия раҳбарлигининг даражаси партиямизнинг негизи бўлган қуйи ячейкаларнинг нечоғлик жанговарлик ва ташаббускорлик билан ишлашларига боғлиқдир. Партия группаси, цех ва бошланғич партия ташкилотлари иқтисодий ва маданий қурилишнинг олдинги сафларида иш олиб бориб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг куч-ғайратларини ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Шаҳримиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари ва муассасаларида ҳозир 51 та партия группаси, 79 та цех ва ўнлаб бошланғич партия ташкилотлари самарали иш олиб бормоқдалар. Ҳисобот даврида партия ташкилотлари сон жиҳатдан ўсди, сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан партияга қабул қилинганлар сони анча ошди. Уларнинг 72,7 процени ишчилардир. Шуниси қувончлики, партияга қабул қилинаётган кишиларнинг аксарияти комсомолда камол топган йигит-қизлардир.

Коммунистлар активлиги билан шаҳар бўйича ўтган ярим йилда планга қўшимча равишда салкам 4 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. 269 тонна ўсимлик мойи, 54 минг жуфт болалар пойафзали, 33 минг сўмлик мебель, 722 тонна кондитер маҳсулотлари кўп ишлаб чиқарилди. Тайёрланган маҳсулотларнинг салкам 17 процени давлат Сифат белгиси билан етказиб берилди.

Маҳсулот сифатини ошириш ва иш самарадорлигини ўстириш шу куннинг шиоридир. «Лаззат» бирлашмаси ишчилари шу кунларда кондитер маҳсулотларининг 39 процентини давлат Сифат белгиси билан чиқармоқдалар. Мебелчилар, пойафзалчилар ҳам бу курашда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида ҳар бир корхона, қурилиш ва транспорт ташкилотида 1979 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги чуқур анализ қилинади, асосий эътибор техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга, иш сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилади. Секретарлар соатида биз ҳисобот докладларини қандай тузиш кераклиги юзасидан секретарларга йўл-йўриқлар бердик. Доклад тезисларини тайёрловчи комиссияга хўжалик рахбаридан тортиб, оддий коммунистгача аъзо бўлиб кириши керак. Ушбу докладда баён этиладиган темаларни конкрет ёритиб беришлари, муҳим таклиф ва мулоҳазалар киритишлари, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда коммунистлар иштирокини ҳар томонлама характерлаб беришлари керак.

Докладни муҳокама қилишга коммунистлар актив иштирок этишлари лозим. Ҳисобот-сайловлар ҳар бир ташкилот учун жанговар кўрик ҳисобланади. Шу кўрикда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ғоявий-сиёсий ишлар форма ва методларини такомиллаштириш бўйича бажарилган ишлар тўлалигича намоён бўлиши, нуқсонларни бартараф этиш йўллари кўрсатилиши зарур.

Йиғилишларда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори талаблари асосида меҳнат коллективларида олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишлар практикасини ҳар томонлама кўриб чиқиш, айниқса сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим самарадорлигини ошириш чораларини кўриш керак. Бундан ташқари ижтимоий-тарбиявий ишларни яхшилаш, КПСС сафларини ўстириш ва ёш коммунистларни тарбиялаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, юқори партия органлари қабул қилган қарорлар ҳамда партия топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, жамоат ташкилотларига партия раҳбарлигини такомиллаштириш каби масалалар ҳам жиддий муҳокамадан ўтиши лозим.

Секретарлар соатида берилган йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар партиявий ишларни янада жонлантириш, ишни КПСС Уставаи асосида ташкил этишга ёрдам беради.

Г. КАРИМОВ,
2303-автоколонна маҳаллий комитетининг раиси, партия группаси ташкилотчиси.

АВТОКОЛОННАМИЗ цех ва бригадаларида 49 коммунист меҳнат қиляпти. Улар бешта партия группасига бирлашишган. Бизнинг группада 7 коммунист бор. Улар зиммасига ишлаб чиқаришни бошқариш, планлаштиришни такомиллаштириш, диспетчерлик хизматини яхшилаш каби вазифалар юкланган.

Группа аъзолари олиб бораётган катта ташкилотчилик ишлари туфайли автоколоннада юк ташиш топшириқлари, парктан фойдаланиш коэффициенти йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган олти ойда пландаги 794 минг тонна ўрнига 801,5 минг тонна халқ хўжалик юклари ташиб берилди. Меҳнат унумдорлиги салкам 3 процент ошди.

Ҳар бир коммунист зиммасига конкрет вазифалар юклатилган. Группа аъзоларидан С. Раҳматуллаевнинг ташкилотчилиги туфайли диагностика пости муддатидан олдин ишга туширилди. Механизациялашган ювиш агрегати ҳам ишлаб турибди. Ҳозир агрегат ремонти участкаси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

С. Раҳматуллаев комсомолларга оталиқ қилишни ҳам ўз зиммасига олган. Яқинда ёш ҳайдовчилардан С. Казанцевни партия аъзолигига кандидатликка қабул қилдик. С. Казанцев халқ дружиначиси сифатида ҳам танилган. Ҳозирги кунда у Жиззах чўлларида етиштирилган ғаллани омборларга ташиб бермоқда. Бундай комсомол тарбиясини кўрган йигитлар корхонамизда оз эмас.

Партия группаси аъзоларидан Суннат Мирқосимов эса рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Ҳозир корхонамизда 30 дан ортиқ рационализатор бор. Улардан тушаётган таклифлар махсус журналларда қайд этиб борилади. Янгилик ижодкорлари киритган янгиликлар корхонамизга ҳар йили неча минглаб сўмлик иқтисодий фойда берялти.

Группамизда бундай актив коммунистлар оз эмас. Йиғилишларни тайёрлашда, масалаларни муҳокама қилишда улар ҳамиша иштирок этишади.

3-автоотряд, механика устахонаси, 2-автоотрядда ташкил қилинган партия группалари ҳам актив иш олиб бормоқдалар. 15 августдан бошлаб партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилади. Автоколонна партбюроси мажлисида ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди. Партбюро аъзолари ҳар бир группага бириктириб қўйилди. Улар ҳозир ҳисобот докладларини тайёрлашда группа коммунистларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Докладлар тайёр бўлгач коллектив бўлиб, ўқиб чиқилади. Зарур бўлса, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади. Коллектив кучи билан тайёрланган ҳар бир ҳужжат кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Л. ДЕВЯТОВА,
шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати партия ташкилотининг секретари.

КОМБИНАТИМИЗ коллективи етти ойлик топшириқни ортиғи билан адо этиб, қўшимча 14,4 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Ҳар бир бўлим ва цех ўзаро мусобақадошдир. Мусобақага ой сайин якун ясаб, илғорларни Қизил Байроқ, вимпел ва пул мукофотлари билан тақдирламоқдамиз.

Мусобақа самарадорлигини оширишда партия группалари катта роль ўйнамоқда. 2-разрядли ательеда тузилган партия группасига 13 коммунист бирлашган. Бичувчи Шавкат Доянов группа ташкилотчисидир. Унинг портрети шаҳар ҳурмат тахтасида турибди. Илғор ишчи ҳозирги кунда 1980 йил ноябрь ойи ҳисобига ишламоқда.

Группа ташкилотчисининг шахсий намунаси бошқаларни ҳам олға ундамоқда. Олия Салимова, Мария Аниикова каби коммунистлар ҳам ҳозир беш йиллиқнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

1-разрядли ателье партия группаси аъзолари ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Группага 7 аъзо бўлган олти коммунистнинг ҳаммаси жамоат топшириғига эга. Бу тадбир улар активлигини янада оширяпти.

Комбинатимизда 4 та партия группаси бор. Партбюронинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида уларни ҳам такдиф этиб, ҳисобот сайлов йиғилишлари олдидан нималар қилиш кераклигини уктирдик. Бюро қарори билан комбинат директори Т. Мўминов биринчи разрядли ателье, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари А. Чақурова эса духобага гул босиш цехи партия группасига бириктирилди. Улар йиғилишларни тайёрлашда ва ўтказишда группа ташкилотчиларига ёрдам берадилар.

Ҳисобот даврида бажарилган ишларнинг ҳаммаси ҳисобот докладида ўз ифодасини топади. Докладни танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозимлиги уқтирилди. Тўғри, бизда илғорлар оз эмас. Коммунистларимиз қиммати ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Лекин ҳисобот даврида эътибордан четда қолган вазифалар ҳам кам бўлмади. Маҳсулот сифатини ошириш, ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаш, сиёсий ва иқтисодий ўқув самарадорлигини ошириш соҳасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Йиғилишларда асосий эътиборни мана шу бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратиш лозим.

ЧАРОҒОН КЎЗЛАР

Робия хола «Главташкентстрой» медицина санитария қисми кўз бўлимининг шифокорларига умид билан мурожаат қилди. Унинг умр йўлдоши Боқи Олимхоновнинг бир кўзи кўра бошлади.

Бу ерда қўли енгил шифокорлардан даво топиб, ёруғ дунёга яна бир бор қайтган беморлар миннатдорлигининг чеки йўқ. Илмнинг юксак чўққиларини эгаллаган шифокорларимиз шу бугунги кунда энг мураккаб операцияларни жуда дадил ва моҳирона бажаришяпти. Кўз операцияси ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Клиника иши билан танишдик. Бу ерда офтальмолог Турсун Самадовнинг хизмати катта экан. Биз ундан кўз касалликлари ва уни даволаш чоралари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Кўз касалликларининг турлари кўп. Лекин шулар орасида кенг тарқалгани глаукома ҳисобланади. Буни халқ тилида кўзга назла тушиш дейилади.

Клиникамизга шифокорларнинг мушкулини осон қилувчи замонавий аппаратларнинг ўрнатилиши айни муддао бўлди. Эхофтольмограф қурилмаси нур юборибқ кўзда пайдо бўладиган шишларни аниқлашга ёрдам беради. Операцион микроскоп, даволовчи аппаратлардан ультратовуш ва фонофорез дориларни ультратовуш ёрдамида кўзнинг ичига бир текисда тарқатиб даволайди.

Кўз врачи бўлишимга акам сабабчи бўлган. Тўсатдан кўзлари кўр бўлиб қолганда, озмунча қийинчиликларга бардош бердиларми? Шундан кейин албатта шифокор бўлишни қатъий танладим. 1961 йили ТошМИнинг даволаш факультетини тамомлаб, орадан бироз ўтгач, офтальмология бўйича клиниканинг ординатура бўлимида малакамни оширдим. Сўнгра мустақил даволашга киришдим.

Операция қилаётган шифокорни бир кўз ўнгингизга келтиринг-а! Нақадар масъулиятли, нозик иш бу! Шунинг учун операциядан чиққан Турсун Самадович ҳамкасблари: «Қойил, операция вақтида нафас ҳам олмаймиз-а», деб кўйишади. Жарроҳ ҳақиқатан ҳам шу дақиқаларда бутун диққат-эътиборини операциянинг муваффақиятли ўтишига жалб этган бўлади. Иш кўнгилдагидек бажарилса, елкасидан тоғ ағдарилгандек ўзини енгил ҳис қилади.

Клиникада турли формадаги кўз касалликлари билан оғриган беморлар даволанадилар. Шулар орасида ўйинқароқ болаларнинг шўхликлари натижасида кўзга зиён-захмат етганлари ҳам учраб туради. Бир куни 7 яшар болани олиб келишди. У рогаткадан отган темир парчаси ўзини келиб жароҳатлаган.

Ешгина бола, операция ниҳоятда мураккаб. Аммо, зудлик билан уни бажариш зарур. Нима қилиш керак? Узоқ ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ. Беморни қулоқ, томоқ, бурун касаллигининг мутахассисларига кўрсатишди. Ниҳоят, операция тугади.

Беморлар кўпинча операциядан яхши чиқади. Лекин, қалтис ҳаракатнинг бир они уларга жуда қимматга тушади. Буюрилган дори-дармонларни ўз вақтида олиш тезроқ соғайишга олиб келади. Аммо, айрим беморлар шуни тушуна туриб, бунга риоя қилмайдилар. Бу ҳол дарднинг янада зўрайишига олиб келади.

Бу ерда беморларнинг меҳру-муҳаббатига сазовор бўлган талаигина шифокорлар ишлашади. Узбекистон ССР-да хизмат кўрсатган врач Мажид Ғуморов, қанчадан-қанча беморларга қайта ҳаёт бахш этиб, ёруғ дунёни кўра олиш бахтига муяссар этган офтальмолог Турсун Самадов, медицина фанлари кандидатлари Т. Умадова, Э. Гаспарян, Ф. Ҳакберднева, ассистентлар Ф. Авазматова, Е. Саидовалар клиникининг фахри ҳисобланадилар.

Шифокор ҳақиқий инсонпарвар, олижаноб бўлса уни халқимиз эъзозлайди. Унинг учун кишиларнинг дилдан топширган ташаккуридан ортиқ бахт бўлмаса керак!

Ф. УСМОНОВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

КАЛИНИН РАЙОНИДА

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН МИҚДОРИДА

«ЎЗГАРИШ» совхози деҳқонлари районда биринчилар қатори давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини адо этдилар. Улар аҳоли дастурхонига 865 тонна ноз-неъмат тортиқ қилишди.

Илғор хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, давлатга яна йиллик план миқдорида сабзавот маҳсулотлари топшириш сўз бердилар. Улар бу ошириłган мажбуриятларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллигигача бажаришни режалаб қўйишди.

АҲДГА ЯРАША

«ҚОРАСУВ» совхозининг моҳир сут соғувчиси Турғуной Серикбоева сигирлар маҳсулдорлигини ошириш ташаббускори. У говмушларининг ҳар биридан 6050 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиб, давлатга 164 тонна маҳсулот топшириш мажбуриятини олган.

Пешқадам ишчи аҳдига яраша меҳнат қиляпти. Ҳозиргача у ўзига бириктилган 27 сигирнинг ҳар биридан 4000 килограммдан сут соғиб олди. Сигирлар маҳсулдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 700 килограммга кўпайди.

Районда бу илғор соғувчининг издошлари кенгайиб боряпти. Г. Шарофиддинова, Ф. Содиқова, А. Исроилова каби соғувчилар ҳам ташаббускор изидан бориб, «оқ чашма»га барака киритмоқдалар.

БОСМАХОНА ИШГА ТУШДИ

КОЛХОЗЛАРАРО қурилиш ташкилоти бинокорлари район босмахонасини қуриб битказиб, фойдаланишга топширишлар. Босмахонага замонавий ҳарф териш ва босма машиналари ўрнатилган. Бу ерда «Ленинчи» район газетаси чоп этилади.

ЯНГИ МАГАЗИНЛАР

РАЙОН марказидаги савдо шохобчалари кенгайиб боряпти. Яқинда бу ерда «Медтехника» бошқармасига қарашли «Оптика» магазини очилди. Магазинда кўзойнаклар, турли медицина асбоб-ускуналари сотилади.

Янги сабзавот ва мева дўкони сотувчилари ҳам район марказида истиқомат қилувчи аҳолига хизмат кўрсата бошладилар. Район хўжаликларида етиштирилган ноз-неъматлар дўкон орқали эл дастурхонига етказилмоқда.

УМИДЛИ ҲАВАСКОРЛАР

МАДАНИЯТ уйида ашула ва рақс, халқ чолғу асбоблари ансамблари ташкил этилган. Бадиий ҳаваскорлар тажрибали методистлар Ҳ. Ҳамидуллаев ва Й. Муллабоевлар раҳбарлигида ижрочилик маҳоратларини ошириб бормоқдалар.

Район бадиий ҳаваскорлари яқинда бўлиб ўтган область кўригида муваффақиятли қатнашиб, иккинчи ўринни эгалладилар. Ҳаваскор ижрочилар ҳозирги кунларда тез-тез дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, уларга концертлар қўйиб бераётирлар.

ЁЗ — СОЗ ЎТМОҚДА

ГАГАРИН номли совхознинг сўлим боғида ташкил этилган «Спутник» пионер лагерида икки сменада 300 ўқувчи ёзги каникул кунларини қизиқарли ўтказди. Яқинда лагерга яна 150 ўқувчи дам олгани келди.

Бу ерда пионерларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Лагерда турли-тўгараклар ишлаб турибди, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

Ҳозирги кунда мўл ҳосил тақдири кўп жиҳатдан сувчи ва механизаторларнинг маҳоратига боғлиқ. Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозида бу масалага катта эътибор берилмоқда. Сувчилар сони 1,5 баравар кўпайтирилди. Улар ғўзани кечаси-ю-кундузи қондириб суғормоқдалар. Суратда: ёш сувчи Э. Етмишев. У кундалик топшириғини ортиғи билан бажаряпти.

А. Абалян фотоси.

КАЛБИМИЗ КЎРИ БИЛАН

РЕСПУБЛИКА партия ва ҳукумати Мурожаатидан руҳланган азамат пахтакорлар ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида юз берган қийинчиликларни бартараф этиш, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун барча зарур тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Зиммага олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун кўп ишлик тажрибаларидан фойдаланиб оқилона иш юритмоқдалар.

Маълумки, колхозимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Бизнинг бригада аъзолари колхозимизнинг 6800 тонналик хирмонга муносиб ҳисса қўшиш, янги марраларни эгаллаш учун бел боғлаганлар.

Ўтган йили бригадамизда ҳар гектар ердан 48,3 центнердан ҳосил, олиниб, яхши натижага эришилди. Юқори ҳосил олишнинг сирларини билган коллективимиз бу йил ҳар гектар ердан 55 центнердан ҳосил олишга, 660 тоннаник «оқ олтин» хирмони бунёд этишга қарор қилган. Шу ниятда эрта баҳордан бери фидокорона меҳнат қилмоқда.

Юз берган қийинчиликларни азамат колхозчиларимиз мардонавор енгмоқдалар. Умуман ёғингарчиликдан кейин 120 гектар пахта майдонимизда уч марта қатқалоқ ҳосил бўлди. Уни йўқотиш учун колхозчиларимиз озмунча тер тўкмадилар. Ана шундай оғир иш шароитида ҳар гектар ерда 90 минг тун кўчатни сақлаб қолишга эришдик. Бу кўчатларнинг дуркин ривожланишида механизаторларнинг ва сувчиларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Механизаторларимиз Убайдулла Кўчқоров ва Холмат Рўзибоевлар ерни ўз вақтида чуқур ва сифатли культивация қилиб уни қиздириб, ўсимликни эркин ривожланишига шароит яратдилар. Ҳозир бу азаматлар бешинчи культивацияни тамомлаб, олтинчи культивацияни бошлаб юбордилар.

Эргаш Ортиқбоев, Эргаш Маъмуров, Жабр Шоҳбозов, Солимўҳаммад Тожибоев сингари сувчиларимиз ҳозир ғўзага учинчи сув тарамоқдалар.

Ғўзани эрта озиқлантиришга алоҳида эътибор берилди. 15 июлгача ғўзани озиқлантириш ишларини тамомладик. Ғўза азот, аммофос, калий, суперфосфат сингари минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Айни кунларда далага кўп миқдорда маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бу иш колхоз правленияси томонидан тузилган махсус ўғит тайёрлаш бригадаси томонидан амалга оширилмоқда. Маҳаллий ўғит ғўза қатор ораларига шарбат қилиб оқизилмоқда.

Бу йил ҳашарот ҳам деҳқонларга тинчлик бермади. Шунинг учун энтимолог Ўткир Қорабоевни ҳашаротга қарши кураш назоратчиси қилиб тайинлаб қўйганмиз. Унинг раҳбарлигида ОВХ-14 аппарати билан ҳашаротга қарши ғўзаларга икки марта дори сепиб чиқилди.

Юқорида номлари қайд этилган сувчилар, механизаторлардан ташқари Турди Тешабоева, Ойкарам Мирзаахмедова, Шоира Бадалова сингари кўпгина колхозчиларимиз белгиланган тадбирларни амалга оширишда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Барча колхозчиларимиз бир ёқадан бош чиқариб астойдил меҳнат қилаётганлари туфайли ғўзанинг ривожи, авжи яхши. Гуллар кўсакка айланмоқда ва кунданкунга кўпаймоқда. Ҳосил чўғи ошиб зўр умид бахш этмоқда.

Бригадамизда фақат пахта эмас, шу билан бирга помидор, картошка, каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирмоқдамиз. Бригадамиз аъзолари бу йил 200 тонна помидор, 150 тонна картошка топшириш мажбуриятини олишган.

Бригадамизда колхозчиларга қулай маиший шароит яратилган. Дала шийпонимиз яхши жиҳозланган. Иссиқ овқат канда бўлмайди. Колхозчилар сут-қатиқ, гўшт билан таъминланган. Иссиқ овқат учун зарур бўлган ҳамма нарса, ҳатто сабзавот ҳам ўзимизда етиштирилмоқда. Ҳозир дала шийпони ёнида 7 та қўй, бир соғин сигир, икки бузоқ, 80 та жўжа боқилмоқда. Қўй ва товуқларни зарур вақтида сўйиб, иссиқ овқатга ишлатяпмиз. Шунинг учун колхозчиларга арзон баҳо чой-нон ва тушлик иссиқ овқат қилиб бериляпти. Бу колхозчиларга 25 тийинга тушаяпти.

Хулас, мўл ҳосил учун курашаётган, юз берган табиий қийинчиликларни енгиб, олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун пухта замин яратаётган колхозчиларимизнинг дам олишлари, овқатланишлари, кўнгил очишлари учун ҳамма нарса мавжуд. Шунинг учун бригадамиз аъзолари Муса Сайфуллаев, Раҳмонали Шарифбоев, Нормуҳаммад Нурмуҳамедов сингари 45—50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган илғор бригада аъзолари билан беллашиб партия ва ҳукумат чақириқларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Аҳдимиз қатъий, ваъда бажарилади.

Абдураҳмон БЕГМУРОДОВ,
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз бригада бошлиғи.

ЭЛЛИКЦЕНТНЕРЧИ ПАХТАКОРЛАР МИНБАРИ

БОҒБОНЛАР ТОРТИҒИ

Ёз — пишиқчилик фасли. Далаларда, ғўзал ва сўлим боғ-роғларда, полизчилик пайкалларида ўзгача шукуҳ бўлади. Сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари дастурхонимизни безайди.

Дастурхонимизга ана шундай мўл-кўл мевалар тортиқ этишда Янгийўл районидаги «Янгийўл» боғдорчилик совхози соҳибкорларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Совхоз боғбонлари йил бўйи астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Олма шохлари гарчи бақувват бўлсада, ҳосили мўллигидан ерга эгилиб колган.

— Ҳақиқатан ҳам боғимизда мўл ҳосил етиштирилди,— дейди бригада бошлиғи Тўхтасин Раҳмонов.— Эртапишар олмаларни теріб олиб, қабул пунктларига пешма-пеш жўнатаяпмиз. Шуниси кувончлики, боғларимизда етиштирилган ноз-неъматлардан мамлакатимиз саноат марказлари, Сибирь ва Узоқ Шарқ ўлкалари меҳнаткашлари ҳам баҳраманд бўладилар.

Меваларни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда А. Абдурахмонов номидаги Тошкент енгил саноат политехникумининг хашарчи студентёшлари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Улар совхоз соҳибкорлари билан бир сафда туриб ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Совхоз меҳнаткашлари студентёшлар мададидан бехад хурсанд бўлишаётир.

Тўхтасин Раҳмонов етакчилик қилаётган бригада хўжаликнинг йирик боғдорчилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Бригаданинг 108 гектар боғи бор. Коллектив шу майдондан бу йил 430 тонна мева териб олишга сўз берган. Ҳозир бу ерда студентлардан Маъмура Раҳматуллаева, Акида Худойбердиева, Шоира Шоматова, Гулчеҳра Сафина, Муборак Жўраева, Насиба Тўлаганова, Насиба Назаровалар кунига 180—200 килограммдан олма териб, бошқаларга шахсий намуна бўлмоқдалар.

Ана шу чаққон студент қизларнинг ғайратлари туфайли бригадада ҳар куни 10—12 тоннадан олма терилиб, пешма-пеш тайёрлов пунктларига жўнатилаётир.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

САБЗАВОТКОРЛАР ДАЛАСИДА

Ер — деҳқоннинг хазинаси, ризқ-рўз манбаи. Бундай деб аташимизнинг боиси бор, албатта. Унинг саховати энг аввало, шу она заминда тер тўкиб қилинадиган меҳнатга, омилкорлик билан иш юритишга, илғор тажриба ва фан ютуқларини изчиллик билан, жорий этишга боғлиқ. Ҳозирги вақтда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширмоқ учун барча имкониятлар мавжуд. Биз бунни Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхозда бўлганимизда яна бир бор ҳис этдик. Хўжалик сабзаводкорлари ердан самарали фойдаланиб, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Ҳосил йилдан-йилга баракали бўлаётир.

Колхоз миришкорлари давлатга сабзавот маҳсулотлари тортиқ этиш бўйича сифат ва самарадорлик беш йиллигининг учинчи йилида катта ютуқни қўлга киритдилар. Давлатга 7500 тонна сарҳил сабзавот ва 1500 тоннадан зиёд картошка етказиб берилди. Бу социалистик мажбуриятда кўзда тутилганидан анча кўпдир. Шу билан бирга 750 тонна ўрнига 800 тоннадан зиёд узум тортиқ этилди.

— Хўжалигимизда сабзавот экинлари учун 252 гектар ва картошка учун 130 гектар майдон ажратилган, — дейди биз билан суҳбатда колхоз раиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Қўчқор ака Латипов. Иш юритишда шу ер сатҳини инобатга олиб, ундан рационал фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар гектар ердан икки ва ҳатто уч марта ҳосил йиғиштириб олишни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Бу йил ўнинчи беш йиллик планимизни шараф билан адо этамиз. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд.

Колхоз раиси билан дала кезамиз. Узоқда карам узаётган колхозчилар кўзга ташланади. Бу пайкал тажрибали бригадир, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Аҳмаджон Сайдалиевга қарашли, — дейди раис. Бригада аъзолари йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб, яхши натижаларни қўлга киритишмоқда. Бригадир қаршимизга пешвоз чиқди. Суҳбатимиз бир зумда қизиб кетди.

— Экин майдонимиз 43 гектар, — дейди бригадир. — Ўтган йили ҳам шу экин майдонида сабзаводтан баракали хирмон яратдик. Натижада сабзавот етиштириш плани 112 процентдан ошиб кетди. Ҳозир пишиб етилган маҳсулотларни пешма-пеш узиб шаҳарликларга тортиқ этмоқдамиз. Бунда айниқса колхозчилардан Раҳима Зоҳидова, Расул Маҳаматраҳимов ва Машраб Сайдалиевларнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Улар кунлик иш планларини мунтазам ошириб адо этмоқдалар.

Чиндан ҳам шундай. Бригадада иш қизғин боряпти. Колхозчилар ҳар гектар ердан 350—400 центнерга етказиб ҳосил олмоқдалар. Уларнинг ниятлари сабзавот маҳсулотини 933 тоннага ва картошкани 180 тоннага етказишдан иборат. Бу маҳсулотнинг асосий қисми ҳамшаҳарлар дастурхонини безайди. Ҳозир эса улар қунига икки-уч тоннага етказиб сарҳил сабзавот йиғиб дўкон ва сабзавот магазинларига жўнатмоқдалар.

Хўжаликда бундай илғор бригадирлар кўп. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ваҳоб Юнусов ана шулардан бири. У етакчилик қилаётган бригадада бўлганимизда иш янада қизғин тус олаётганлигининг устидан чиқдик. Бу ерда 49 гектар майдонда деҳқончилик қилинмоқда. Аҳил коллектив 1122 тонна сабзавот ва 225 тонна картошка етиштириш мажбуриятини олган. Ҳозир бригадада маҳсулот топшириш қизғин бормоқда.

— Кейинги йилларда механизацияга таяниб ишлаётганлигимиз ишимизда қўл келмоқда, — дейди Ваҳоб ака Юнусов. Шу сабабли асосий ишни агрегатлар зиммасига юклаб бир йилда уч марта ҳосил олишни тўлиқ йўлга қўйдик. Ҳозиргача давлатга 330 тоннадан зиёд сабзавот тортиқ этиб, бу борадаги шахсий беш йиллик планимизни шараф билан адо этдик. Ҳозир эса ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқдамиз.

Неъмат Илҳомов, Ғозивой Тиллаев, Саидмат Шарипов ва Мирҳамдам Миргиёсов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам сабзаводтан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Улар ҳам Аҳмаджон Сайдалиев ва Ваҳоб Юнусовлар изидан бориб йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб бормоқдалар. Бундай бригадирлар туфайли колхозда муттасил рекорд ҳосил етиштирилмоқда. Бу йил колхоз сабзаводтқорлари она-Ватанга 8 минг тонна сабзавот, 1700 тонна картошка ва 620 тонна узум тортиқ этишмоқчи. Ҳозиргача улар 1600 тоннадан зиёд сабзавот ва 715 тонна картошка етказиб бердилар. Шу кеча-кундузда сабзавот топшириш қизғин олиб борилиши билан бирга такрорий экинларни парваришлаш ҳам намунали ўтказилаётир.

А. ФОЗИЛОВ.

ШИЙПОНДА СУҲБАТ

Коммунистик район меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини зиёдаси билан адо этиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга қизитиб бормоқдалар. Олтин қўлли пахтакорлар юксак ҳирмон ишқида экин парваришига алоҳида эътибор беришаяпти. Шубҳасиз, бундай юксак даражада меҳнат қилишда идеология ходимларининг ҳам ҳиссаси каттадир. Кейинги 1,5 йил ичида «Билим» жамияти район ташкилотининг аъзолари ва штатсиз лекторлар 9 мингдан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказишди.

Айниқса, бу иш «Правда», «Политотдел» Свердлов номли колхозлари, «Паркент» совхозида яхши йўлга қўйилган. Бу ерда идеология ходимлари меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда лекция ва суҳбатлар, учрашувлар ўтказишади. Шунингдек, кейинги пайтларда ўтказилаётган иқтисодий анализ кечалари, давра столи атрофида, кинолекторий каби пропагандистик иш форма ва методларидан кенг фойдаланилмоқда ва бу яхши самара бермоқда.

Район партия комитетининг бўлиб ўтган бюро йиғилишида районда лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бир қатор хўжаликлар идеология ходимларининг илғор тажрибалари маъқулланди ва лекция пропагандаси савиясини янада кўтариш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎТ ЎРИМИ

Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхозда ўтган баҳорда ўзлаштирилган янги ерларда экилган ўтларнинг дастлабки ҳосили ўриб олинди. Бедапоя юз гектар майдонни эгаллаб турибди.

Райондаги бошқа хўжаликлар ҳам озуқабоп экинларнинг дастлабки ҳосилини ўриб олмоқдалар. Шу йил бу ерда тоғ этакларидаги уч юз гектардан кўпроқ ер беда, силос учун маккажўхори экиш мақсадида ўзлаштирилди. «Козоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида, «Хўжакент» совхозида янги ўтзорлар барпо этилди.

(ЎзТАГ).

КИТОБСЕВАРЛАР ҚЛУБЛАРИ

Китобсеварлар жамиятининг бошланғич ташкилотлари адабиётларни пропаганда қилишда яхши фаолият кўрсатмоқдалар. Бу борада, айниқса пойтахтнинг Ҳамза районида бой тажрибалар тўпланди.

Ҳозир районда «Юқори синф ўқувчиси», «Машъал», «Суҳбатдош» каби китобсеварлар клублари ишлаб турибди. Яқинда 129-ҳунартехника билим юртида эса «Комсомолия» клуби очилди.

Шаҳар китобсеварлар жамияти ана шу ибратли тадбирларни жойларда оммалаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқди.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЛУСАКАДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯДА

ЛУСАКА. (ТАСС мухбири). Бугун Замбия пойтахтида ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 22-конференцияси очилди. Собиқ Англия мустамлакачи империясидаги озод бўлган давлатларнинг кўпчилиги шу ҳамдўстликка қўшилган. Осиё, Африка, Европа, Америка ва Океаниядаги 41 давлат ҳозирги вақтда шу ҳамдўстликнинг аъзоларидир.

Замбия президенти К. Каунда конференцияни очиб, мустақил Африка ватанпарварлар фронти раҳбарлигида мустамлакачилик ва ирқчилик ҳукмидан озод бўлиш учун адолатли кураш олиб бораётган Зимбабве халқи билан бирдам эканлигини айтди. Родезия, деб таъкидлади у, ҳамон Англиянинг мустамлакаси бўлиб қолмоқда ва у ерда ҳалигача бирон-бир ўзгариш юз берган эмас. Ўтказилган «сайлов» натижасида ҳокимиятни қўлга олган кўпчилик «ҳукумат» ғайри қонуний ҳукуматдир, деди К. Каунда.

Қўшни давлатлар ва бутун Африка Зимбабве ватанпарварлари фронтини бундай кейин ҳам ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, чунки бу фронт ўз халқининг озодлиги учун жанг қилмоқда. Президент қитъанинг жанубидаги халқларнинг озодлик кураши кенгайганлигини табриклади.

Конференцияда, асосий мунозара — деб хабар берди К. Каунда, Зимбабве ва Намибия халқларининг миллий озодлик кураши билан ва қитъада ирқчилик ҳамда мустамлакачиликнинг сўнггги ўчоқларини тугатиш билан боғлиқ масалалар тебранмоқда олиб борилади.

Ғарб мамлакатларининг, биринчи навбатда Англиянинг сиёсати очиқдан-очиқ ирқчи режимларни қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам бу сиёсатни ҳамдўстликдаги давлатлар кескин танқид қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам Англиядаги «Дейли Мейл» газетасининг фикрича, конференция ташкилотнинг яшашини хавф остида қолдирадиган кескин танглик вазиятида ўтади. Англия телевидениесининг шарҳловчиси Буюк Британия Лусакада айбдорлар курсисида бўлади, деб эътироф этди.

Ҳамдўстлик аъзолари бўлган 27 мамлакатдан конференцияга президентлар ва бош министрлар келишди. Бошқа давлатларнинг делегацияларига министрлар бошчилик қилмоқда. Конференциянинг очилиш маросимида Ж. Нкомо бошчилигидаги Зимбабве ватанпарварлар фронти делегацияси қатнашди.

В. НОВИКОВ.

НИКАРАГУАДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЛЕОН. (ТАСС махсус мухбири). Бундан атиги икки ҳафта илгари диктатура асоратидан халос бўлган Никарагуада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янги формаларини ташкил этиш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Мамлакат аҳолисининг катта кўпчилиги қишлоқ районларида истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам ер ислоҳотини ўтказиш Миллий йўналиш муваққат демократик ҳукумати программасининг асосий моддаларидан бири ҳисобланади.

Бундан бир ярим ой муқаддам озод этилган Леон департаментида мамлакатнинг бошқа районларидагига қараганда халқ ҳокимияти органлари олдинроқ тузилган эди, деди ер ислоҳоти институтининг вакили Орлаидо Нуньес. Диктаторлик режими ағдариб ташланиши билан халқ ҳокимияти органлари программада ва ҳукуматнинг дастлабки декретларида белгиланган ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Биз диктатор Сомоса оиласига қарашли ерларнинг тахминан ярмини ерсиз деҳконларга бўлиб бердик. 30 минг гектарга яқин энг унумдор ерлар камбағалларга берилди ва бу ерларда 30 та қишлоқ хўжалик коммунаси тузилди. Ҳукумат экиш-тикиш учун уруғлик ва машиналар берди.

Биз Сомоса режими қарийб 45 йил давомида деҳқонларни билим олишдан, медицина хизматидан нима учун маҳрум қилиб қўйганлигини, нима учун мудҳиш эксплуатацияга ва жабр-зулмга дучор қилганлигини уларга тушунтириб беришга интилмоқдамиз, деди сўзини давом эттириб О. Нуньес. Биз деҳқонлар учун медицина пунктлари, мактаблар очишга, озиқ-овқат етказиб бериш ва тақсимлашни ташкил этишга интилмоқдамиз. Дастлабки тажрибалар камбағал деҳқонларнинг ўз хоҳишлари билан коммуналарга бирлашаётганликларини, хўжалик юритишнинг коллектив усули устунликларини тушунганликларини кўрсатади.

Сандино номли миллий озодлик фронтининг жангчиси Бенхамин Рейес Кесада номи берилган коммуна территориясида ТАСС мухбири ер ислоҳоти институтининг вакили Бенито Берриос билан учрашди. Жангчи Кесада Леонни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган эди. Институт вакили илгари бу ерда Сомоса ташқи ишлар министри Кинтаненинг чорвачилик фермаси бўлганлигини айтди. Собиқ министрнинг ҳамма молу-мулки мусодара қилинди. Ферма ва унинг атрофидаги 206 гектар ер камбағал деҳқонларга берилди.

Қийинчиликлар ҳали кўп, дейди Б. Берриос, лекин энг муҳими шундаки, коммуна ҳозирдаёқ маҳсулот беряпти. Биз Леон ишчиларининг болаларига ҳар куни сут, сабзавот ва мева жўнатяпмиз. Саноат корхоналарини тиклаш билан банд бўлган ишчиларга янада кўпроқ ёрдам бериш учун маҳсулот етиштиришга интилмоқдамиз. Бошқа коллектив хўжаликлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасида тажриба ортирмоқдамиз. Масалан, бугун биз бу ердан 12 километр нарида жойлашган Аугусто Сесар Сандино номли коммуна аъзоларини сут билан таъминлаш учун уларга бир неча сигир бердик. Ҳосил ўриб-йиғиб олгандан кейин улар бизга шоли, ловия, маккажўхори беришади. Биз бошқа коммуналар билан ҳам мана шундай маҳсулотларни айрибошлаймиз.

Сомосанинг диктаторлик режими вақтида энг кўп жафо чеккан камбағал деҳқонлар биринчи марта ўз ерининг хўжайини бўлиб қолди.

В. ШЕХОВЦОВ.

ҚАТЪИЙ ҚОРАЛАДИЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС, 2 август. (ТАСС). Мамлакатдаги муросасизлар партияси, халқ христиан партияси ва бошқа сиёсий ташкилотлар Аргентина ҳукмрон доираларнинг ҳозирги иқтисодий сиёсатини кескин қораладилар. Бу сиёсат кенг халқ оммасини қашшоқлик ва ишсизликка дучор қилади. Бу ерда эълон қилинган қўшма баёнотда бу сиёсат халққа қарши қаратилган бўлиб, Аргентина меҳнаткашларининг турмуш даражасини доим пасайтиради, деб таъкидлаб ўтилган.



ГДР. Дрезденданги «Трансформаторен—унд рентгенверк» корхонасида Чехословакия энергетикларининг буюртмасига биноан 28 метрлик юқори кучланишли синов установкаси (суратда) тайёрланди.

АДН—ТАСС фотоси.

ЖАНУБИЙ АФРИҚА ВАТАНПАРВАРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ, 2 август. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Ш. Н. Мишра Лусакага (Замбия) жўнаб кетиш олдидан сўз ерда шу гапларни айтди: Ҳиндистон Африканинг жанубидаги миллий озодлик ҳаракатларининг ирқчи режимларга қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказаверади. Ш. Н. Мишра ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Лусакада бугун очиладиган конференцияси ишида қатнашади.

Жанубий Африка халқлари, деб таъкидлади у, мустамлакачилик сиртмоқларини парчалаб ташлашга ва ирқий камситиш ҳамда аппартеидни йўқотишга қатъий қарор бергандир. Ҳиндистон уларга маънавий, сиёсий ва моддий ёрдам беришга тайёрдир. Ҳиндистон Лусакада ўтказиладиган конференция минбарида туриб ўзининг шу ниятларини изҳор қилади.

Ш. Н. Мишра Ҳиндистон ташқи сиёсатининг йўналишлари тўғрисида гапириб, қуйидагиларни ўқитиб ўтди: янги ҳукумат мамлакатнинг миллий манфаатларини кўзлаб, блокларга қўшилмаслик принципларига қаттиқ амал қилади, қуролсизланиш учун, жаҳонда адолатли иқтисодий тартиб ўрнатиш учун, Яқин Шарқ ва Жануби-шарқий Осиё проблемаларини амалий равишда ҳал этиш учун курашади.

СОҲТА УИДИРМАЛАР ФОШ ҚИЛИБ ТАШЛАНДИ

ҚОБУЛ, 2 август. (ТАСС). Афғонистонда чиқадиган «Анис» газетаси ёзади: халқаро империализм ва реакция кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган революцион ўзгаришларга ҳамиша ва ҳамма жойда қарши чиқдилар. Улар Афғонистонда Апрель революциясининг ғалабаларини тугатиш ва қўлдан кетган мавқеларини тиклаш йўлидаги уринишлардан ҳам воз кечганлари йўқ. Империализм ва реакция тинч аҳолига қарши бандитларча ҳужумни уюштириб, АДРдаги халқ тузумига қарши туҳмат кампаниясини авж олдириб юбордилар ва мамлакатда амалга оширилаётган прогрессив социал иқтисодий ўзгаришларга доғ туширишга уринмоқдалар.

«Да Саур Инқилоб» газетаси ҳам қуйидагиларни ёзади: Апрель революциясининг душманлари Афғонистон Демократик Республикасида рўй бераётган воқеалар тўғрисида сохта уйдирмаларни топиб, Афғонистонда «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деган мавзуда ҳам гап сота бошладилар. Аслини олганда, деб таъкидлайди газета, ўзини инсон ҳуқуқларини «ҳимоя қилувчи» деб кўрсатаётган империализм ва реакция Яқин Шарқда, Жанубий-Шарқий Осиёда ва Лотин Америкасида қилинган жиноятлар ва одамларнинг кўплаб ўлдирилганлиги учун жавобгардир. Апрель революциясининг асосий мақсадларидан бири, деб ёзади газета, афғон халқининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборат ва бу революциянинг ғалабаларини ҳеч ким тугата олмайди ҳамда мамлакат тараққиётини орқага бурий юбора олмайди.



Тошкентнинг қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Суратда: Навоий кўчасининг кўриниши.

А. Палехов фотоси.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, БОЛАЛАР

1979 йил Халқаро болалар йили деб эълон қилиниши муносабати билан медицина, маориф, маданият ва санъат ходимлари кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу кампаниядан давлат автоинспекцияси ходимлари ҳам четда қолмаяптилар. Мухбиримиз Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бўлими Давлат автоинспекциясининг бошлиғи, милиция полковники С. Тельянц билан суҳбатлашиб, Халқаро болалар йилида олиб борилаётган ишлар ҳақида гаплашди.

— Степан Сергеевич, областда болаларнинг автомобиль йўлларидаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва болалар жароҳатланишининг олдини олиш соҳасида қандай тадбирлар кўрилаётир? Шулар ҳақида гапириб берсангиз.

— Область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси давлат автоинспекцияси ва унинг жойлардаги органлари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бизнинг ихтиёримизда махсус кўчма кино установка бўлиб, унинг ёрдамида ГАИ аппарати ходимлари мактаблар ва бошка болалар муассасаларига бориб суҳбатлар ўтказиб, кинофильмлар намойиш этишади. Ҳозирги ёзги каникул даврида кўчма киноустановкамиз пионер лагерларига бормоқда. Область мактабларида йўл ҳаракати ёш инспекторларининг 386 та отряди мавжуд. Бу отрядларга 7700 бола аъзо бўлиб кирган. Улар болаларнинг транспортдан жароҳатланишининг олдини олиш юзасидан кенг агитация-профилактика ишини олиб боришда бизга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

ГАИ ходимларининг актив иштирокида ёш инспекторларнинг район ва область, республика мусобақалари ўтказилди. Область мусобақаларининг голиблари «Светофор» телевизион конкурсида қатнашдилар. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Чиноз районидаги Пушкин номли 1-мактаб ўқувчилари бу республика мусобақаларининг голиби бўллилар.

Болалар йўл-транспорт жароҳатланишига қарши курашда ГАИ ходимлари «Қизил крест ва Қизил ярим ой» жамиятлари, область халқ маорифи ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимлари билан биргаликда бир қатор тадбирлар кўрмоқдалар. Бу борадаги ишлар икки йўналишда олиб борилмоқда: болалар биринчи медицина ёрдами кўрсатишга ва йўл ҳаракати қоидаларига ўргатилмоқда.

Шу ўринда мактабларнинг санитар постлари мусобақаларини эслатиб ўтиш мумкин. Бу мусобақа пойтахтдаги Тельман номли паркда бўлди. Унда ўқувчиларнинг биринчи медицина ёрдам кўрсатиш қоидаларни қанчалик билганлиги, йўл ҳаракати қоидаларига қанчалик риоя қилиши текшириб кўрилди.

— Болаларнинг транспортдан жароҳатланишининг олдини олиш бўйича Тошкент райони мактабларида эксперимент ишлари олиб борилмоқда. Ана шу ишлар қандай самара бермоқда?

— Дарҳақиқат, Тошкент райони мактаблари диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ерда ички ишлар бўлими, район халқ маорифи, соғлиқни сақлаш бўлимлари ва комсомол ташкилотлари болалар жароҳатланишининг олдини олиш юзасидан биргалашиб фаолият кўрсатишмоқда. Район мактабларида «Ҳаракат қоидасини карра жаҳдалдек билиб ол» деган шиор асосида линейкалар ўтказилди. Бу линейкаларда ўқувчилар белгиланган тадбирлар билан таништирилди.

Ҳозир ҳамма мактабларда махсус хавфсизлик ҳаракати кабинети ва бурчаклари бўлиб, улар кўргазмали қўлланмалар билан жиҳозланган, 11 ва 14-мактабларда светофор ва йўл белгилари бўлган чорраҳаларнинг моделлари тайёрланган. Районда ёш инспекторларнинг 37 отряди мавжуд. Ҳар бир отряд ўз постида кунига навбатчилик қилиб туради.

Мактаб ўқувчиларининг кундалик йўл маршрутларини ўрганиб олишлари юзасидан тавсияномалар берилган. Ўқувчилар кўча ва чорраҳаларда ҳаракат қоидаларига қандай риоя қилишлари юзасидан амалий машғулотлар ўтказилди. Барча кино-театр ва киноустановкаларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича кинофильмлар намойиш қилинди.

ГАИ ходимлари район халқ маорифи бўлими ва район комсомол комитети билан биргаликда жойларга бориб, ўқувчилар билан техника хавфсизлиги қоидалари юзасидан суҳбатлар ўт. казишди. Юқори синф ўқувчилари энг яхши «Светофор» китобчасини тайёрлаш бўйича конкурсда қатнашдилар. Ёш инспектор отрядларининг Келес шаҳридаги, Собир Раҳимов номли, Ильич номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли колхозларнинг кўча яқинида жойлашган болалар боғчаларига оталиги ташкил қилинган.

Болалар йўл-транспортдан жароҳатланишининг олдини олиш юзасидан бу районда қилинган ишлар ижобий натижалар берди. Бу хил тадбирларни областдаги бошқа районларда кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир.

— ГАИ ходимлари мактабларга қандай оталиқ ёрдами кўрсатишяпти.

— Болалар транспортдан жароҳатланишининг олдини олиш чоралари билан бирга биз умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида мутахассислар тайёрлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор бермоқдамиз. Областимизда 10 та мактабда ва ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида ҳамда 10 та ҳунар-техника билим юртида автотранспорт ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Ўтган ўқув йилида маориф системасида 200 ўқувчи автотранспорт шофери касбини эгаллади, ҳунар-техника таълими йўли билан 626 ёшга шундай гувоҳнома берилди. Биз шунингдек, мактаблар, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларига автокласслари жиҳозлашда ёрдам бермоқдамиз.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Мамлакатимизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланди. В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети коллективи бу масъулиятли даврни муваффақиятли ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу олий билим даргоҳининг биринчи курсида 3 мингга яқин студент лекциялар тинглай бошлайди.

Суратда: В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетида абитуриентлардан имтиҳон олинаётган пайт.

А. Горокрик фотоси.

(ЎзТАГ).

ҲАР ТЎҒРИДА

ОЛИМЛАР ТАШВИШЛАНМОҚДА

ҲИНДИСТОНДА илон тутувчилик касби кенг тарқалган касблардан ҳисобланади. Масалан, биргина Таминладу штатида ирула қабиласига мансуб 30 мингдан ортиқ киши илон сотиб тирикчилик қилади.

Умуман олганда эса Ҳиндистонда ҳар йили четга бир неча ўн тонна илон териси экспорт қилинади. Яъни, ҳар йили ўн миллиондан ортиқ илон йўқ бўлади. Кейинги ўн йил ичида ҳукумат илон терисини экспорт қилишни тартибга солиш бўйича қатор тадбирлар кўргани қарамай аҳвол ўзгармай қолмоқда.

Ҳинд олимлари ҳам ташвишга тушмоқдалар. Уларнинг айтишича, илонлар жуда кўплаб қирилиб кетаётганлиги мамлакатнинг қатор районларида табиий мувозанатнинг жиддий бузилишига сабаб бўлган.

●

ПЎЛАТДЕК МУСТАҲКАМ

УКРАИНА ССР Фанлар академиясининг материалшунослик проблемалари институтида 1500 даража ҳароратга чидай оладиган керамик материал ҳосил қилинди. Моноолитдек мустаҳкам бу материал иссиқликни ўзидан жуда яхши ўтказиб, саноатнинг турли соҳаларида қўлланиш учун кенг имкониятларга эга. Бир қатор ҳолларда у юқори даражада легирланган пўлатнинг ўрнини ҳам боса олади.

●

ЯНГИ МИНЕРАЛ СУВ

СИБИРДАГИ Байкал кўлининг сувида минерал сувлар кам бўлиб органик моддалар ҳам унчалик кўп эмас. Айни вақтда кўлнинг сувида кислород жуда кўпдир. Шу боисдан ҳам кўл бўйидаги Слюдянка деган жойда кўлнинг суви чанқоқни қондирувчи ичимлик сифатида сотила бошланди. Бу муздек, тоза сув ширин бўлиб, фойдали углекислота билан бойинган.

●

АЖОИИБ ЛИМОНЗОР

ГРУЗИЯЛИК мутахассислар об-ҳавонинг ҳар қандай ижиқликларини писанд қилмайдиган лимонзор барпо этдилар. Бу лимонзор қурилмаси алоҳида-алоҳида секциялардан иборат бўлиб, зарур бўлиб қолган пайтда уларнинг усти автоматик равишда нур ва ҳаво ўтказмайдиган материал билан ёпилади. Совуқ турган пайтда эса лимонзор ҳар бир секцияда ўрнатилган электр иситиш системаси билан иситилади. Бир гектар ерда 300 та ана шундай секцияни жойлаштириш мумкин.

КАСБЛАРГА МЕҲР УЙҒОТИБ

ЕШЛАРГА касб-ҳунар ўргатишни янада яхшилаш мақсадида республикамиз шаҳар ва қишлоқларида касб танлаш кабинетларини очиш кўзда тутилди. Бундай марказлар йирик корхоналарда, илмий муассаса, колхоз ва совхозларда иш олиб боради.

Тегишли министрлик ва идоралар уларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрадилар. Кўплаб педагог-методистлар ишга юборилади.

Шу билан бирга аҳолини ишга жойлаштириш ва ахборот бюролари ҳузурида касб танлаш бўйича махсус консультациялар ташкил этилади. Тажриба сифатида бундай тадбирлар дастлаб Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида амалга оширилади.

СПАРТАКИАДА КУНДАЛИГИ

Эртага СССР халқлари VII ёзги спартакиадаси қатнашчилари энг сўнгги медалларни бўлишиб олишади.

КАМОНДАН ОТИШ. Утган куни спартакиада программаси асосида ўтказилган бир қатор турларда юксак натижалар қайд этилди. Жумладан, республикамиз вакили тошкентлик Наталья Бутузова 60 метрлик маррадаги нишонга отишда 656 очко тўплаб, айрим масофага ўтказилган мусобақада мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди. Бутузованинг бу кўрсаткичи айни вақтда СССРнинг янги рекордидир. Уч кунги натижаларга кўра ҳамшаҳаримиз умумий ҳисобда жаҳон чемпиони Зебинисо Рустамовадан ўзиб, биринчи ўринга чиқиб олди. Н. Бутузова ҳисобида 1909 очко бор. Зебинисо Рустамова эса тошкентлик рақибига 9 очко ютқазиб турибди. Шунингдек, учинчи ўринда бораётган К. Лособеридзе ҳам З. Рустамовага 9 очко ютқазмоқда. Пойтахт области вакили Ольга Рогова 1892 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Кеча бўлиб ўтган сўнгги учрашувлардан кейин камондан отувчилар ҳам спартакиада медалларини бўлишиб олишди.

ОГИР АТЛЕТИКА. 110 килограммгача вазндаги оғир атлетикачиларнинг бахсларида ҳам кутилмаган натижалар қайд этилди. С. Аракелов 185,5 килограмм оғирликдаги штангани даст кўтариб жаҳон рекордини ўрнатди. Иккинчи ҳаракат — штангани силтаб кўтаришда бу полвон 225 килограмм натижа кўрсатди ва икки курашдаги кўрсаткичи 407,5 килограмм бўлди. Белоруссиялик Л. Тараненко силтаб кўтаришда 232,5 килограмм натижа кўрсатиб, икки курашдаги натижани 410 килограммга етказди ва олтин медаль эгаси бўлди. Мусобақалар тугагандан кейин С. Аракелов тўртинчи марта саҳнага чиқиб, 235,5 килограмм оғирликдаги штангани кўтарди ва бу билан спартакиаданинг бронза совриндори украиналик Ю. Зайцевнинг аввалги жаҳон рекордини ярим килограммга яхшилади. Шундай қилиб штангани даст кўтаришда ва силтаб кўтаришда жаҳон рекордларини ўрнатган 22 ёшли краснодарлик бу полвон спартакиадада ғолиб келолмай, фақат иккинчи ўрин билан кифояланди.

100 килограммгача полвонлар баҳсида республикамиз вакили Г. Маляр икки курашда 375 килограмм натижа билан тўртинчи ўринни олди.

БОКС. Чарм қўлқоп усталари финал учрашувларини ўтказишди. Сўнгги кунда чемпионлик унвони учун даъвогарлик қилганлар сафида республикамиз вакили В. Шин ҳам бор эди. Лекин у РСФСР боксчиси А. Коптевга ютқазиб, иккинчи ўрин билан кифояланди ва кумуш медаль эгаси бўлди. Москвалик В. Рибаков яна ғолиб келиб, СССРнинг тўртинчи марта чемпиони деган номни қўлга киритди.

ВОЛЕЙБОЛ. Аёллар ўртасида 1—12 ўринлар учун ўтказилаётган мусобақаларда қуйидаги натижалар қайд этилди. Латвия — Ленинград — 1 : 3, РСФСР — Украина — 3 : 0, Польша — АҚШ — 1 : 3, Белоруссия — Москва — 0 : 3, Куба — Япония — 2 : 3. Узбекистон волейболчилари Қозоғистон командаси билан учрашиб, 3 : 0 ҳисобида ғолиб келишди. Эркаклар ўртасида Латвия волейболчиларининг Куба командаси устидан 3 : 2 ҳисобида ғолиб келиши кутилмаган натижалардан бири бўлди.

ПЕШҚАДАМ ОЛДИНГА ИНТИЛМОҚДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи эшелон бешинчи зона қатнашчилари ўтган куни иккинчи давранинг учинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Пешқадам Шаҳрихон футболчилари сафарда ўйнашди. Улар Наманганда маҳаллий «Текстильшчик» билан бўлган учрашувда 2 : 1 ҳисобида ғолиб келиб, ҳамон пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Янгиер» бу турда дам олди. Жиззахнинг «Бўстон» командаси «Зарафшон» футболчиларини 1 : 0 ҳисобида енгиб, очколарини 34 тага етказди. Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Орбита» — «Наримоновец» — 2 : 0, «Динамо» — «Хўжанд» — 3 : 1, «Химик» — «Металлург» (Чимкент) — 1 : 1, «Автомобилист» — «Қаршистрой» — 3 : 1, «Труд» — «Амударё» — 3 : 2.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ЭКРАНЛАРГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«БЕГОНА БАХТ»

Сценарий муаллифи — Мар БАЙЖИЕВ.
Режиссёр — Қамара КАМОЛОВА.
Ролларда: Ҳамза УМАРОВ, Сайрам ИСАЕВА, Мурод РАЖАБОВ, З. МУСАНОВ, Ф. ОРИФХОНОВА ва бошқалар.

Бу фильм ҳар бир кишининг ўзганинг бахти, бошқа кишилар билан муносабатда намоён бўладиган инсоний туйғулар, масъулият ҳисси ҳақидаги мулоҳазали ҳикоядир.

Картина қаҳрамони, колхоз раиси Абдураҳмон Қоробоевични пенсияга тантанали равишда кузатишади. Улуг Ватан уруши қатнашчиси автоматик плугга алмаштириб оддий тракторчиликдан катта хўжалик раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. У бу постда 30 йилдан ортиқ ишлади: кўпгина яхши ишлар қилди. Аммо, гоҳо иш билан бўлиб, одамларни унутиб қўйди... У кўпгина одамлар олдида ва севимли хотини олдида гуноҳкор.

Абдураҳмон бошдан кечирганларини обдон мулоҳаза қилиб ўз камчиликларига иқрор бўлади ва қолган йилларини одамлар тақдирига фаол аралашиб яхшилик учунгина яшашга ҳаракат қилади.

«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

«ЯНГИ УЙДА ИККОВЛОН»

(Кенг экранли фильм).

Ёшгина аёл эрини ташлаб кетмоқчи бўлади. Балки эри у билан ёмон муносабатдадир? Йўқ, у хотинини жуда севади.

Улар ёшлари энди 19 га тўлганда оила қуришган. Рўзгор майда-чуйдаларига ёшликда берилиш жуда осон. Аммо ана шу ёшликда ҳам рўзгор нуқсониятларидан чарчаш мумкин. Зотан, шунинг учун ҳам жанжал учун ҳамма вақт сабаб топилади. Муҳаббат, ниқоҳ ҳақиқий синов палласига киради.

Сценарий муаллифи — Анатолий Гребнев. У кинематографиямизда анчагина донг таратган сценаристлардан. Ўнинг энг яхши картиналари оила, муҳаббат мавзуларига бағишланган.

Режиссёр — Гофик Шаҳвердиев, (бу унинг бадиий кинодаги машқидир) экранда ишончли, поэтик ёркин ҳаётни акс эттиради.

Картинанинг яна бир ютуқ томони — ёш ижрочилар ҳақида гапирмай ўтиб бўлмайди. Нелла ролини асли касби рассом Мария Соломина ўйнаган, Мария 1971 йилда; ёқ «Шаҳар романси» фильмида ўзининг ёшлик чиройи, иффати билан биринчи бор томошабинлар муҳаббатини қозонган эди. Иккинчи бор у «Том устидан сакраш» фильмида ўз эри Виталий Соломин билан иккинчи бор суратга тушган. Мана энди бўлса Нелла дастлаб қарашда нозиккина, ёқимтойгина, содда, аммо баъзан мугомбир ва танноз. Актриса Нелланинг қўпқиррали характерини очиб беришга муваффақ бўлди.

Сергей ролини Александр Абдулов ўйнаган. У киноҳаваскорларга «Олтин ирмоқ», «Қизил гул», «Зулматдан қочиш», «Ҳаммасини лаҳзалар ҳал этади» фильмлари ва «Оддий мўъжиза» телевизион фильми орқали таниш.

«Янги уйда икковлон» фильми муҳаббат ҳақида яна бир тарих бўлиб, замондошларимиз ҳақидаги повестдир.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

ТАЛЛИН ШАҲРИДА

15 АВГУСТДА

1966 ЙИЛГИ ДАВЛАТ 3 ПРОЦЕНТЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ БЎЙИЧА

105-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Заёмлар бўйича ютуқлар қуйидагича белгиланган: 40, 100, 500, 1.000, 2.500 ва 5.000 сўм.

Заём облигациялари 10 ва 20 сўмлик қилиб чиқарилади.

Қиймати 10 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ҳар бир 100 миллион сўмга 512 минг 560 сўмлик 9 минг 400 та ютуқ ўйналади.

Заём облигациялари ҳамма омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади.

Давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигацияларини сотиб олинг!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Спартакиада кундалиги. 10.05 — Ота-оналар сизлар учун. 10.35 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 11.05 — Тонгги почта. 11.35 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.05 — Москвичка. 13.15 — Здоровье. 14.00 — Спортлото. 14.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.15 — Дунё воқеалари. 15.30 — Камалак. 16.10 — Болалар учун қисқа метражли фильмлар. 17.00 — Спартакиадада. 18.00 — Бизнинг обзор. 18.45 — Спартакиадада. 19.10 — Театр. Бадиий фильм. 1—2 сериялар. 21.30 — Вақт. 22.05 — Спартакиадада. 00.05 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Озарбайжон санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. 11.25 — Узбекистон спорти. 12.00 — Ёшлик бўсагасида. Бадиий фильм. 13.05 — Шеърият мухлисларига. 13.25 — Бешинчи «Б» да ўқийдиган гаройиб бола. Бадиий фильм. 18.20 — Бойчечак. 18.50 — «Интер ССО-79». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Турсунбой Ҳусанов куйлайди. 21.30 — Вақт. 22.05 — Оламда нима гап. 22.35 — Телевизион миниатюралар театрининг Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси коллективи билан учрашуви.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|VIII да Фариблар, 5|VIII да Келинлар қўзғолони (12.00), Тирик мурда (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА «Кичик юлдузлар шуъласи» лилипутлар цирки гастроллари (4|VIII да 13.00, 16.00, ва 19.30 да, 5|VIII да 12.00, 16.00, 19.30 да).

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

5|VIII да — БЕКОБОД
10|VIII да — ОҚҚЎРҒОН
13|VIII да — ТЎЙТЕПА
17|VIII да — ОЛМАЛИҚ
19|VIII да — ҒАЛАБА РАЙОНИ
24|VIII да — ЯНГИЙЎЛ
26|VIII да — ЧИРЧИҚ

СТАДИОНЛАРИДА

Қўриқ ерлар ўзлаштирилишининг 25 йиллигига бағишланган

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ САНЪАТ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗАДИ.

Қатнашадилар:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Юнус ТУРАЕВ.

Лирик хонандалар: Фахриддин УМАРОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ғуломжон ЕҚУБОВ.

Раққосалар: Гулчеҳра ИСМОИЛОВА ва Карима Узоқова.

Интермедия ва юморда: Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

Бутуниттифоқ бадиий ноллективлар фестивали ва кўригининг лауреати «ШОДЛИК» ашула ва рақс ансамбли

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ; Ўтқир СИДДИҚОВ ва Ҳанифа ОРТИҚБОЕВАлар олиб бораднлар.

Кеч соат 8.00 да бошланади.

Билетлар район кассаларида сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ (Т. Шевченко кўчаси 28-уй) ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишга кирувчилар формали кийим-бош ва 60 сўм стипендия билан таъминланади.

Шаҳар электр транспортларида бепул юриш ҳуқуқи берилади.

Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва қарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р-13157. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2539.